

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 3/17

Нукус шаҳри.

"21" 11 2022 йил

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган «Қорақалпоқ ХЭТК» АЖтиномидан Низом асосида иш юритувчи раҳбари А.Нурымбетов бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган МЧЖ «Нукус Электромонтаж» номидан Низом асосида иш юритувчи раҳбари С.Нуратдинов икки ташкилот ўртасида ишларни бажаришга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

Мазкур шартномада куйидаги таърифлар қўлланилади:

Ижро ҳужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларига мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда қурилиш объектлари жумладан янгидан қуриш ишларини бажаришга доир ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича «Буюртмачи» томонидан Пудратчига берилган ер участкаси, объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакупир тумани Кораой ОФЙда ёшлар саноат зонасига 6-10кВ электр энергияси тармоғини қуриш ва трансформатор ўрнатиш ишларини бажариш, «Буюртмачи» эса бу ишларини қабул қилиб олиш смета ҳужжатларини тайёрлаб, смета ҳужжатларига асосан ва бажарилган иш учун ҳақ тулаш мажбуриятларини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

- 3.1. Мазкур шартнома бўйича «Пудратчи» томонидан бажариладиган, тўла таъмирлаш ишлари лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан барча солиқлар, йиғимлари ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда амалдаги нархда 87 518 114,00 (саксан етти миллион беш юз унсаккиз минг бир юз онторт) сўмни ташкил этади.
- 3.2. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб утилган ўзгаришлар «Буюртмачи» билан «Пудратчи» ўртасидаги шартномага қўшимча қилишув билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 4.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи шартноманинг II-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

Пудратчининг бажарилиши лозим бўлган объектдаги ишлари учун ўз техникаларини ўз ҳисобидан қурилиш материаллари, ёқилғи мойлаш материаллари билан таъминлайди.

Объектнинг ижро ҳужжатларини расмийлаштириш ва «Бош пудратчи»га топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

Шартнома шартларига асосан объектни «Буюртмачи»га тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ топшириш;

Барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унинг 1-иловасида белгиланган, ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажм ва муддатларда, ўзининг кучлари ва жалб қилинган кучлар билан қурилиш коидалари ва меъёрларига, белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;

Объектга зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, бошқа хом-ашёлар ва қурилиш техникасини ўз вақтида ҳамда зарур ҳажмларда етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва сақлашни амалга оширади;

Курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларини бажариш вақтида атроф муҳитни, утказилган дарахтларни ва ер майдонини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажаришни таъминлайди:

Курилиш майдони кўриқланишини таъминлайди, урнатилган тартибда объектни суғурталашни таъминлайди;

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1 Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

Ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

Буюртмачи, Пудратчига биринчи навбатда зарурий материаллар учун шартнома қийматидан 50 % миқдорида аванс беришни амалга ошириш;

Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 (икки) кун давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўyxатини тақдим этиш;

Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади. Пудратчи томонидан бажарилган ҳақиқий қурилиш-монтаж ишлари учун амалдаги қонун асосида Ф-2, Ф-3 ларга биноан туловни амалга оширади.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

6.1. Пудратчи мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.2. Мазкур шартнома бўйича _____ ишларини бажариб бериш, давом этириш вақти лойиха-смета ҳужжатлари асосида аниқланади.

6.3. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

7.1. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун Буюртмачи томонидан молиялаштириши асос ҳисобланади. Объектда бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» таъмирлаш ишларини бошлаш учун «Пудратчи»га шартнома суммасининг 30 % миқдорда олдиндан тўлайди. Қолган 70 % яъни якуний туловни «Пудратчи» ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат Ф-2, Ф-3, ёки далолатнома тақдим қилингандан сунг амалга оширади.

7.2. Буюртмачи Пудратчига ишларни бошлаш учун ушбу шартномага мувофиқ аванс маблағи ўтказиши. Аванс маблағларининг миқдори Пудратчи томонидан тақдим этиладиган ва Буюртмачи томонидан қуриб чиқиладиган объектда ишларни бошлаш учун биринчи навбатда зарур булган қурилиш материаллари ҳисоби асосида аниқланади.

7.3. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объектни Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шкастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

7.4. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритишни талаб қилиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

8.1. Буюртмачи қурилиш майдонига ўз вақилини - техник кузатувчини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи

томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

8.3. Пудратчи техник кузатувчини ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник кузатувчи Пудратчи томонидан ўтказиладиган таъмирлаш объектида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

8.4 Пудратчи объектда бажарилган ишларининг ҳажмларини ижро ҳужжатларини, қилинган сарф-харажатларни Буюртмачи томонидан мазкур объект учун бириктирилган техник кузатувчи билан объектнинг ўзида қуриб чиқади ва тўлиқ маълумотни (белгиланган шаклларда ижро ҳужжатлари билан) Буюртмачига топширади..

8.5 Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.6 Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

8.7 Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

8.8 Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

8.9 Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг ёрдамчи пудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучи ва маблағлари ҳисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

8.10 Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди.

Пудратчи назорат дафтарига Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора тадбирларини қуриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойлarda бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

9.1 Ишларини бажариб бериш тугаллангунгача ва пудрат ишлари тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

10.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

10.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

10.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. КАФОЛАТЛАР

11.1 Пудратчи: барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа-смета ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажарилишини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуксонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз ҳисобидан бепул бартараф этишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

11.2 Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи ва Пудратчининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

11.3 Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш "Давархитектқурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

11.4 Пудратчи текшириш даврида аниқланган камчиликлари учун тулик жавобгар ҳисобланиб, 100 % миқдорида ўз томонидан бартараф этади.

XII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

12.1. Буюртмачи: Шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

Ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

12.2 Пудратчи:

Ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

12.3 Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш 15 кун муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

12.4 Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим коидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

12.5 Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

XIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

13.1 Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди:

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

Тўла таъмирлаш ишларини олиб бораётган Пудратчи ташкилот қонунчиликка асосан ва шартномага мувофиқ "Буюртмачи" олдида қўйидаги ишлар бўйича мулкӣ жавобгардир:

"Буюртмачи" билан тузилган шартнома асосида тўла таъмирлаш ишларини ва бошқа ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан усқуналарни монтаж қилиш муддатларини бузилиши;

Тўла таъмирлаш ишлари жараёнида ёки оралик қабул қилишда пудратчи, муаллифлик назорати ва бошқа назорат органлари томонидан аниқланган конструкция ва ишлардаги йўл қўйилган камчиликлар ва нуксонларни бартараф этиш орқали суриш;

Шартномада қузда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тўлақонли бажармагани.

Пудратчи ташкилот томонидан ишларнинг бажарилишида пудрат шартномасида чекиниш ёки бошқа камчиликлар мавжудлигида Буюртмачи, агар қонунчилик ёки шартномада бошқа шартлар қузда тутилмаган тақдирда, пудратчи ташкилотдан ўз ихтиёрига қўра қўйидагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

Нуксонларни оқилона муддатларда ўз ҳисобидан бартараф этишни;

Агар Пудратчи ташкилот нуксонларни қелишилган муддатларда бартараф этмаса, Буюртмачи ёки йўлдан фойдаланувчи ташкилот ўз қучи билан Пудратчи ҳисобидан нуксонларни бартараф этиш ҳамда нуксонларни ўз вақтида бартараф этилмаганлигидан қелтирилган зарарни ва бажарилган иш қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

13.2 Мазкур шартномага тегишли иловаларда қўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирамаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига қечиктирилган ҳар бир қун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки қўрсатилмаган хизматлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етқазилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

13.3 Пудратчи томонидан объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса Пудратчи Буюртмачига муддати ўтқазиб юборилган ҳар бир қун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки қўрсатилмаган хизматлар қийматининг 5 фоизидан ошмаслиги лозим.

XIV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

14.1 Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етқазилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал етолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятининг шартномавий ҳуқуқӣ баъзаси тўғрисида"ги 29.08.98 йилдаги қонунларига амал қилган ҳолда иқтисодий суд томонидан қўриб қикилади.

XV. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

15.1. Мазкур шартнома барча ўзғариштириш ва қушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқӣ ҳисобланади.

15.2 Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан қелиб қикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб қеладиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши қерак.

15.3 Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

15.4 Мазкур шартномани томонлар имзолаган қундан бошлаб 2022 йил 31 декабр қунигача амал қилади.

15.5 Мазкур шартнома ўзбек тилида бир қил юридик қучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

«Буюртмачи»

«Пудратчи»

«Қорақалпоқ ХЭТК» АЖ

Манзил: Нукус шахри Дизел куч.№1

банк :Бош офис АКБ УЗ СКБ

Ш.х/р: 20210000900314531439

СТИР:200357207 ОКЭД:35120

МФО:00440

Рахбар:

А.Нурымбетов

«Нукус Электромонтаж» МЧЖ

Манзил: Нукус шахри Беруний кучаси ракамсиз уй

банк :АКИБ Ипотека банк Нукус шахри

Ш.х/р 20208000900503707001


СТИР: 200355984 ОКЭД: 41201 МФО: 00621

Рахбар:

С.Нуратдинов

Хукукшунос

Ш.Даниярова



Юридическое заключение
Настоящий договор соответствует требованиям
Гражданского кодекса и Закона Республики
Узбекистан "О договорной-правовой базе
деятельности хозяйствующих субъектов"

А. Мажид

Даниярова Ш.

ол. Рамаздорев С. Б.